



20 20 у « 20 » март

№ К-129

« » 20 г

**Сурхондарё вилоятида ташқи
реклама фаолиятини тартибга
солиш тўғрисида**

Сурхондарё вилоятида амалдаги ташқи реклама фаолиятини янада такомиллаштириш, реклама конструкцияларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш борасида шаффоф механизмни жорий этиш, реклама соҳасининг барча иштирокчилари учун тенг имкониятларни яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қуйидагилар:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш туман шаҳар ҳокимликлари томонидан бериладиган реклама жойининг паспорти ва техник чизмаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда қуриш ҳуқуқи аукцион савдолари орқали сотилиши белгилаб қўйилсин.

2. Мазкур қарор қабул қилингунга қадар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш учун тузилган шартномалар, берилган паспортлар, гувоҳномалар, сертификатлар, рухсатномалар ва ҳуқуқни белгиловчи бошқа ҳужжатларнинг амал қилиши белгиланган тартибда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тўловларни амалга ошириш орқали узайтирилади;

қалбакилаштирилган ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда реклама объектларига (конструкцияларига) олинган паспортлар гувоҳномалар, рухсатномалар ва ҳуқуқни белгиловчи бошда ҳужжатларсиз ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) бўйича ҳужжатларнинг муддатини узайтиришга рухсат берилмайди ва улар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

3. Вилоят ҳудудида барча турдаги ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) хатловдан ўтказиш бўйича Термиз шаҳар ва туманларда иловага мувофиқ намунавий таркибда махсус ишчи гуруҳлар тузилсин;

4. Махсус ишчи гуруҳлар:

ўн кун муддатда ҳар бир туманда (шаҳарда) жойлашган барча турдаги ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сон қарори талабларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказсин;

ўтказилган хатлов натижасида ноқонуний ўрнатилганлиги аниқланган реклама объектларини (конструкцияларини) ўттиз календарь куни ичида демонтаж қилиш бўйича зарур чоралар кўрсин;

ўтказилган хатловлар натижасига кўра хулосаларни, ташқи реклама объектларининг (конструкцияларини) ноқонуний ҳужжатларини бекор қилиш ҳамда уларни демонтаж қилиш билан боғлиқ материалларни вилоят ҳокимлигига ўз вақтида тақдим этсин.

5. Вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармасига (Э.Эшкелдиев):

махсус ишчи гуруҳларга ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) хатловдан ўтказиш бўйича яқиндан ёрдам бериш;

мазкур соҳада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича айбдор шахсларга тегишли чоралар кўриш юклатилсин.

6. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

белгиланган ҳудудда ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлаштириш учун бериладиган ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларни аниқлаш мақсадида доимий равишда хатлов ўтказиш;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) тизимли мониторинг қилиш ва уларни қонуний жойлаштирилганлигини ўрганиш;

ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган рекламалар, шу жумладан ижтимоий рекламалар ҳисобини юритиш;

махсус ишчи гуруҳлар томонидан тузилган хулосалар асосида туман (шаҳар) ва вилоят бўйича ташқи реклама объектларининг (конструкцияларининг) маълумотлар базасини шакллантириш;

йўлнинг қатнов қисмида жойлашган аҳоли турар-жой биноларининг ташқи қисмида ҳар қандай турдаги шахсий эълонларни жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

ушбу соҳада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли чора кўриш учун вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармасига таклифлар киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

7. Вилоят қурилиш бошқармасига (А.Салоҳиддинов) шакллантирилган базани доимий равишда ягона электрон реестрга киритиш ва веб-сайтга жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этиб бориш топширилсин.

8. Вилоят Молия бошқармаси (Б.Хурсанов) ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун ойлик йиғимлар суммалари, ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун реклама жойлари паспортларини беришдан тушадиган маблағлар, шунингдек, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш ҳуқуқи учун электрон аукцион яқунлари бўйича маблағлар тушиши учун бир ҳафта муддатда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига шахсий ғазна ҳисобварақларини очсин.

9. Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2013 йил 3 апрелдаги “Сурхондарё вилоятида ташқи рекламани жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 59-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев) мазкур қарорнинг мазмуни ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Пардаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов